

**АБУ БАКР ИМОМЗОДА БУХОРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ
ФАОЛИЯТИ****Абдулвоҳид ҲРОЗОВ,**

ЎзМИ “Shamsuddinxon Boboxonov” nashriyot matbaa-ijodiy uyi davriy nashrlar
bo`yicha mas`ul kotib (97 304 7179; abdulvohid-urozov@mail.ru)

Аннотация: Мақолада Имомзода Бухорийнинг ҳаёти ва ижоди, устозлари, шогирдлари ва у яшаган даврдаги илмий муҳит тўғрисида қисқача маълумотлар бериб ўтилди. Шунингдек, алломанинг асарлари, уларнинг қисқача мазмуни, ёзилиш услуби, таржима ва қўлёзма нусхаларидан ҳам баҳс этилди. Жумладан, баъзи асарлари ҳақида Техрондаги маълумотлар билан Туркияда олиб борилган тадқиқотларда фарқли жиҳатлар борлигига тўхталинди.

Калит сўзлар: Имомзода, Жарғий, Ширъатул-Ислом, Абу Бакр, фиқҳ.

Annotation: In the article, brief information was given about the life and work of Imamzada Bukhari, his teachers, students and the scientific environment of the time he lived. Alloma's works, their summary, writing style, translation and manuscript copies were also discussed. In particular, it was pointed out that there are differences between the information in Tehran and the research conducted in Turkey about some of his works.

Key words: Imamzada, Jarghi, Shira'atul-Islam, Abu Bakr, jurisprudence.

Аннотация: В статье даны краткие сведения о жизни и деятельности Имамзады Бухари, его учителях, учениках и научной среде того времени, когда он жил. Обсуждались также произведения Алломы, их краткое содержание, стиль написания, перевод и рукописные копии. В частности, отмечалось, что существуют расхождения между информацией в Тегеране и исследованиями, проведенными в Турции о некоторых его произведениях.

Ключевые слова: Имамзада, Джарги, Шираатуль-Ислам, Абу Бакр, юриспруденция.

Муҳаммад ибн Абу Бакр Имомзода ҳақида хорижда бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, ҳаёт фаолияти ҳақида тўлиқ эмас. Тарихда “Имомзода” номи билан танилган Муҳаммад ибн Абу Бакр Бухорий ҳанафийлик ва мотуридийлик таълимотининг Бухорода тараққий этишида хизмат қилган алломалардан ҳисобланади. Аллома 491/1098 (ваф. 573/1177) йил феврал ойида (Рабиъул-аввал) Бухоро яқинидаги Самарқанд йўлида жойлашган Шарг[9:235-236] қишлоғида туғилган. [6:16] Исмидаги “Шарги” атамаси шу қишлоққа нисбат берилган. Баъзи

ўринларда "Жарғий" деб ифодаланган атама "Шарғий" калимасининг арабчалашган шаклидир. Баъзи манбаларда Самарқанд атрофида жойлашган "Жуғ" қишлоғига ишора қилинган дейилса-да, уни айрим олимлар рад этишган. [11,17,13:95;161;54] Бунда унинг Бухоро ва Самарқандда жойлашган "ал-Жарғ" билан "аш-Шарғ" номли қишлоқларининг оти чалкаштирилган деган тахминлар бор. Ҳозирги пайтда Бухородаги бу қишлоқнинг номи "Чорик", Самарқанддаги қишлоқнинг номи эса "Сахарҳин" деб номланиб кетилган. [24] Муҳаммад ибн Абу Бакр Имомзода Бухорий вафот этган 573/1177 йилда Бухоро Мўғуллар томонидан босиб олинган. Балки шу боис унинг қabri ва қаерда дафн этилгани тўғрисида аниқ маълумотлар йўқдир. Котиб Челабий шундай ёзади: "Муҳаммад ибн Абу Бакр Имомзода 560 йили ҳам ҳаёт эди. У катта эҳтимол билан 573/1177 йили вафот этгандир". [14:2/2044]

Имомзода Бухорийнинг тўлиқ исми Абул-Муҳасин Рукнул-Ислом Саъдидуддин Муҳаммад ибн Абу Бакр Иброҳим аш-Шарғий/ал-Жарғий ал-Бухорийдир. Ривоятларда, алломанинг "Имомзода" деб номланишига отасининг юксак мавқеъи сабаб қилиб келтирилган. Бундан ташқари манбаларда, "Имамзода", "аш-Шарғий", "ел-Жуғий", "ал-Жарғий", "Рукнул-Ислом", "ал-Ваъиз", "Муфтий аҳли Бухоро", "Маждуд-дин", "Саъдидуд-дин", "Соҳибу Ширъатил-Ислом" каби унвонлари ҳам Имомзода Бухорийга ёзилган.[21:103-104] У бир муддат Бухорода муфтийлик вазифасида ҳам фаолият олиб бориб, фикх, калом, тасаввуф ва адабиёт илмларида етук аллома бўлган.[13:4/54]

Имомзода Бухорий кўплаб шогирдлар тарбиялаган. "Таълимул-Мутаъаллим" асари муаллифи Бурҳонул-Ислом аз-Зарнужий (ваф. 610/1213) ва Мовароуннаҳр ҳанафийларнинг устози Жамолиддин Иброҳим ибн Аҳмад ал-Маҳбубий (ваф. 650/1252), Абдуссаттор ибн Муҳаммад ибн Имодий ал-Кардарий (ваф. 642/1244) ва машҳур тарихчи олим Абдулкарим ас-Самъоний (ваф. 562/1166) у зотнинг машҳур шогирдларидир.[21:1/546, 1/362] Шогирдлари орасида Масъуд исмли бир ўғли борлиги ҳам зикр қилинган.[21:3/104,472] Қосим Али ибн Аҳмад ал-Калабазий, Шамсулаимма Абул-Фазл Бакр ибн Муҳаммад аз-Заранжарий (ваф. 512/1118), Маждулаимма Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ас-Сурҳакатий (ваф. 518/1125), Розийиддин ан-Нисобурий (ваф. 585/1189 дан кейин) ва Хуросонлик сўфий Хожа Юсуф ал-Ҳамадоний (ваф. 535/1140) алломанинг машҳур устозлари қаторида зикр этилган. Яъни, Муҳаммад ибн Абу Бакр Имомзода хилофият илмини Нисобурийдан, тасаввуф таълимини Юсуф Ҳамадонийдан олган.[17:161] Шунингдек, Абу Муин Насафий (ваф. 508/1114), Иброҳим Саффор Бухорий (ваф. 534/1139), Абу Ҳафс Нажмиддин Умар Насафий (ваф. 537/1142), Абу Бакр Алоуддин Самарқандий (ваф. 539/1144), Абу Сано Маҳмуд Ломиший (ваф. 539/1144) ва Абул Фатҳ Алоуддин

Усмандий (ваф. 552/1157) каби фақих ва мутакаллим алломаларни ўзининг шайхлари деб эътироф этган.[10:23] Табақот асарларида Имомзода Бухорий илмий таҳсилани фиқҳга йўналтирганлиги ва ханафий уламоларидан таълим олганлиги ҳам зикр этилган. У зот Мавароуннаҳрда Имом Мотуридидан кейин унинг таълимотининг кенг тарқалиб ривожланишига ҳисса қўшган Абул Ҳасан Сирожиддин Али Фарғоний Ўший (ваф. 575/1179) ва Нуриддин Собуний Бухорий (ваф. 580/1184) каби алломалар билан замондош бўлган.

Муҳаммад ибн Абу Бакр Имомзода ҳақида манбаларда келтирилган барча маълумотларни жамлаганимизда, унинг учта асари тилга олинганини кўрамыз. Бироқ алломанинг “Ғароибуъл-Қуръон” номли бир асари ҳам борлиги, у ҳалигача қўлёзма ҳолида бўлиб, батафсил тадқиқ қилиниши кераклиги қайд этилган.[15:6] Бундан ташқари, “ал-Арбаъуна Ҳадисун” номли ҳадис шарҳларини ўз ичига олган рисола ҳам Муҳаммад ибн Абу Бакр Имомзодага нисбат берилган.[26:2/879]

1. Ширъатул-Ислом ила Дорис-Салом: Алломанинг ўрганиб, муҳокама қилиниб баҳо берилишда муҳим бўлган ҳажми катта асаридир. “Ширъатуъл-Ислом”, ваъз ёки илмиҳол китобларидан саналади. Асарда иймон, ибодат ва ахлоқ масалалари ривоятлар билан бойитилган.

“Ширъатул ислом” асарининг қўлёзма нусхаси Туркия, Саудия Арабистони, Фаластин, Ҳиндистон, Миср Республикалари билан бир қаторда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ҳам тўрт нусхаси мавжуд. Бу асарнинг Туркиядаги мавжуд қўлёзма нусхаларига таянилган бир наشري 2018 йилда Уммонда чоп этилган.

Ҳижрий олтинчи асрдаги бухоролик олимлардан бири бўлган Муҳаммад ибн Абу Бакр Имомзода Бухорий муаллифлигидаги “Ширъатул-Ислом” асаридан бироз олдин ёзилган Абу Лайс ас-Самарқандийнинг (ваф. 373/983) “Танбеҳул-ғофилин”и, Абу Толиб ал-Маккийнинг (ваф. 386/996) “Қувтул-қулуб”и, Имом Ғаззолийнинг (ваф. 505/111) “Иҳйа-и улумид-дин” ва “Кимйа-и саодат”и Абдулқодир Ғийлонийнинг (ваф. 561/1165-66) “Ғунйатут-толибин”и, Ибнул-Жавзийнинг (ваф. 597/1201) “Минҳажул-Қосидин”и, Ибн Қаййим ал-Жавзийнинг (751/1350) “Задул-мийъад фи ҳадйи хайрил-ибад”и, Фирузабодийнинг (ваф. 817/1415) “Сифрус-саъда”си каби асарлар билан бир хил даражадаги китоб деб баҳолаш мумкин. Мазкур асарларнинг умумий ўхшашлик жиҳати инсонларни соф эътиқодга йўналтириб, ахлоқий тарбиясини яхшилаш ва ибодат масалаларидан таълим беришдир. Алломанинг “Ширъатул-Ислом” асарининг баъзи жойларида фиқҳга оид масалалардан баҳс этилган бўлса ҳам уни фиқҳий асар деёлмаймиз. Гарчи у минтага яқин ҳадис ва суннатга билан бойитилган бўлса ҳам уни классик ҳадислар китоби ҳам деёлмаймиз. Чунки асарни ўқир экансиз, муаллиф

хадисларни бир орага келтириш учун таълиф этмаганини англаб олишингиз қийин эмас. Шунингдек, китобда ақида масалалари баён қилинган бўлса-да, уни ақидавий бир асар деб хулоса қилиш ҳам қийин. Асарни ҳатто тўлиқ ахлоқ ва одобга бағишланган эмас, балки ахлоқий мавзулар билан суғорилиш баробарида ваъз ва насиҳатларни ҳам ўз ичига олган умуминсоний оммабоп китоб дейиш тўғрироқ бўлади.

Имом Лакнавий асар ҳақида шундай таъриф берган:

[قال الجامع] قد طلعت شرعة الإسلام فوجدته كتابا نفيسا مشتملا على المسائل الفقهية و الأداب الصوفية

“Мен “Ширъатул-Ислом”дан хабар топдим ва унинг фикҳий муаммоларни ўз ичига олган тасаввуф одобларидан иборат нафис китоб эканига гувоҳ бўлдим.”[16:161]

2. **Уқудул-ақоид фи фунунил-фавоид:** Назмий услубда ёзилган бу асарнинг Туркия кутубхоналарида қўлёзма нусхалари мавжуддир. “Уқудул ақоид” назмий услубда ёзилган асардир. Унинг қўлёзма нусхаси Туркия, Миср, Саудия Арабистони, Сурия ва Британия китоб фондларида сақланмоқда. Китобнинг тўлиқ номи “Уқудул ақоид фи фунунил фавоид” (Фойдали илмлардаги эътиқод маржонлари) бўлиб, у ҳажми жиҳатидан мотуридий ақидаси бўйича ёзилган назмий асарлар орасида энг каттасидир. Ёзилиш тарихига кўра эса иккинчи ўринда туради. Асар 770 та байтдан иборатдир. Мазкур назмий асарни муаллиф яшаган даврдаги диний вазиятдан келиб чиқиб, 560/1164-1165 йилларда Сирожиддин Ўший (в.575)нинг “Бадъул-амолий” китобидан 7-8 йиллар олдин ёзилган дейиш мумкин. Бироқ алломанинг “Ширъатул-Ислом” китоби “Уқудул-Ақоид” асаридан кўра Усмонли уламолари томонидан кўпроқ эътибор қозонган.[10:304]

Муҳаммад ибн Абу Бакр Имомзоданинг ушбу асари эътиқодий масалаларга бағишланган бўлиб, назмий услубда содда ва тушунарли тарзда ёзилган. Асарда баъзи ақидада адашган мазҳаблар, даҳрийлар, бидъатчи фирқалардан бўлган жаҳмийлар, ботинийлар, жабарийлар, мушаббихачилар, рофизийлар, қадарийлар ва мўътазилийларга соф ақида – мотуридийлик таълимоти асосида раддиялар берилган. Ушбу раддиялар ҳозирги кундаги ақидада адашган баъзи тоифаларнинг ботил даъволарига ҳам асосли жавоб бўла олади.

3. **Шурутус-Солат:** Мазкур асар ҳали нашр этилмаган. Бироқ қўлёзма ҳоли 849-рақам билан Сулаймония кутубхонасида, Анталая Текелиўғли коллекциясида Муҳаммад ибн Абу Бакр Имомзода номига рўйхатга олинган.

4. **Ғароибул-Қуръон:** Броккелман мазкур асарни Муҳаммад ибн Абу Бакр Имомзодага оид эканини ёзиб қолдирган.[25:1-464;1/642-643] “Ҳизонатут-Турос” асарида Муҳаммад ибн Абу Бакр Имомзода асарлари орасида тилга олинган бўлиб,

унинг кўлёмаси Хиндистоннинг Рампур шаҳрида 1/57-2 рақами билан сақланаётгани қайд этилган.

5. ал-Арбауна Ҳадисун: Муҳаммад ибн Абу Бакр Имомзода ҳақидаги тадқиқотлар ва биографик манбаларда тилга олинмаган бўлса-да, Эрондаги парламент кутубхонасида ва баъзи кўлёмма маълумотларини ўз ичига олган веб-сайтларда унинг алломага тегишли экани айтиб ўтилган.[23] Техрон парламенти Кутубхонаси 235 ва 1053-рақамли, Али Амирий кутубхонаси 268/4, 341/2, 435/1, 436/1 рақамли нусхаларнинг Муҳаммад ибн Абу Бакр Имомзодага тегишли экани қайд этилган.[22:2/879] Бироқ, у нусхалар тадқиқ қилинганида, Туркиядаги кўплаб кутубхоналарда у китоб кўлёммалари Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Усфурий номига қайд қилингани аниқланган. Биографик манбаларда эса Муҳаммад ибн Абу Бакр Усфурий исми муаллиф йўқдир. Бунинг сабабини доктор Фарход Гўкча илмий мақоласида, асардаги илк ҳадис шарҳланар экан, унда ҳазрат Умар билан усфури (чумчуқ) ҳақидаги бир ҳикоя келтирилган. Менимча, асар муаллифини ҳам шунга асосланиб, китобдаги “Муҳаммад ибн ...” дейилиб қолган қисми тушунарсиз бўлганидан уни Усфурий, деб қайд этган бўлиши мумкин, дея ҳисоблайди.[15:7]

Асар “ал-Маваизул-Усфурийя” (“Муштамилун ала Арбауна минал-аҳадисин-Набавийя маъа Фаваидин-тариҳийя” ва “Ҳикайатин-сўфийя” ва “Малаҳин-адабийя”) номи билан нашр этилган.[20] “Қирқ Ҳадис” номи билан турк тилига таржима қилинган.[20] Назаримда булардан зиёда келажакда яна асар устида чуқур тадқиқотлар олиб борилиши керак.

Муҳаммад ибн Абу Бакр Имомзода кўплаб олимларга бешик бўлган илмий даражаси юқори шаҳар – Бухорода йиллар давомида қози ва муфти вазифаларида фаолият юритган. Умрининг кўп қисмини илмий лавозимларда ишлаб ўтказгани сабабли у зот асарлар таълиф этишга деярли вақт ажратолмаган дея тахмин қилишимиз ҳам ўринлидир. Яъни, бизгача етиб келган асарларидаги руҳият ҳам у зот амалга оширган вазифаларининг кўлами бунга далил бўла олади.

Ривоятларга кўра, Муҳаммад ибн Абу Бакр Имомзода яшаган йиллар Бухорода диний сиёсат ишларида Бурҳонийлар оиласи ҳукмронлик қилган. Бундан олдин диний ҳокимият Исмоилий ва Саффорийлар оиласига тегишли бўлган. Мазкур илмий даража Бурҳонийлар оиласидан сўнгра Маҳбубийлар сулоласига ўтган.[17:6/430-432]

Асарнинг шарҳлари: Муҳаммад ибн Абу Бакр Имомзода Бухорийнинг “Ширътул-Ислом” асарига бир қанча шарҳлар ёзилган бўлиб, улар орасида Ёқуб ибн Саййид Али Румий ал-Бурсавийнинг (ваф. 931/1524) “Мафотихул-жинан ва Масабихул-жанан” ёки “Мафотихул-жинан Шарҳи Ширъатил-Ислам” асари омма орасида кенг тарқалган. Аллома Имом Аҳмадзода ал-Бурсавий номи танилган. У зот

томонидан қаламга олинган мазкур шарҳ 903/1497 йили тамомлангандир. Ушбу асар “Ислом йўли Ширъатил-Ислом” номи билан турк тилига таржима қилиниб, 2016 йили нашр этилган.[7]

Яна Яҳё ибн Бахши ибн Иброҳимнинг (ваф. 940/1533) “Шарҳу Ширъатил-Ислом” китоби ва Курд Меҳмет афанди (ваф. 996/1588) томонидан “Муршидул-анъом ила Дорус-салом фи Ширъатил-Ислом” номли шарҳлар шулар жумласидандир.[19:22/210] Мазкур олимларнинг ҳар бирини Роббим Ўз раҳматига ғарқ айласин!

Фойдаланилган адабиётлар

1. Имом Абул Фидоъ Исмоил ибн Касир. Тафсири Қуръонил-азим. 1-4 ж. Байрут: 1983. Абу Мансур Мотуридий. Таъвилотул Қуръон. (Аҳмад Вонли ўғли ва доктор Бакир Тўпол ўғли таҳқиқи остида). Истанбул: Дорул мийзан, 2007.
2. Имом Бухорий. Олтин силсила: Саҳиҳул-Бухорий; Адабул Муфрад. Тошкент: “Nilol-Nashr” нашриёти, 2013.
3. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. “Сунани Термизий”, “аш-Шамоилин-Набавия”, тар. Мирзо Кенжабек. Тошкент: “SHARQ” нашриёт-матба аксиядорлик компанияси, 2013.
4. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. ал-Жомиъус-Саҳиҳ, таҳқ. Аҳмад Муҳаммад Шакир. thk. 5-ж. Миср: Матбаъату Мустафо ал-Бабий ал-Ҳалабий, 1975.
5. Имом Муслим ал-Ҳажжаж Абул Ҳасан ал-Қураший. “ал-Жомиъус-саҳиҳ” таҳқ. Муҳаммад Фуад Абдулбақи. 5-ж. Байрут: Дору ихйайт-турасил-арабий, ts.
6. Саййид Ализода. “Ислом йўли: Ширъатул-Ислом” тар. Сулаймон Куку, А. Фаруқ Меян, Лутфуллоҳ Уйан (Анқара: Беракат нашриёти, 2016)
7. Бадриддин Абу Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Айний. “Умдатул-қори шарҳи Саҳиҳил-Бухорий”, Байрут: Дорул-китоб ал-илмийя, 2000.
8. Сихабуддин Абу Абдуллоҳ Якут ал-Ҳамавий. “Мўъжамул-булдон”, Байрут: Дорус-садр, 1977.
9. Муҳаммад Усмон Дўғон. “Укудул-ақоид фи фунунил-фавоид”, Уммон: Дорул-Фатҳ лид-дирасати ван-нашр, 2018.
10. Тошқўпризода Аҳмад Афанди. “Табақотул-фуқаҳо”. нашр. Аҳмад Найла. Мусул: 1961.
11. Абдулҳай ал-Лакнавий. “Фаваидул-бахийя фи табақотил-Ҳанафийя Миср: Матбаъат дорис-саъада, 1906.

12. Абу Файс Муҳаммад Хайриддин Зириклий. ал-Аълам: Қомусу тарожим ли ашҳарир-рижол ван-нисо минал-араб вал-мустарабин вал-мушашриқин. 4-ж. Байрут: Дорул-илм лил малайин, 1995.
13. Ҳожи Халифа Мустафо ибн абдуллоҳ Катиб Чалабий. “Кашфуз-зунун ан асамил-кутуб вал-фунун”, таҳқ. Муҳаммад Шарофиддин Ялтақайа. 2-ж. Истанбул: Дору ихъайит-турасил-арабий, 2008.
14. Фарҳод Гўкча. “Ўрта Осиёдан Анадолига илм сафари”, Анқара: Карабук университети нашриёти, 2021.
15. Абдулҳай Лакнавий. “ал-Фавоидул-бахийя фи Тарожимул-Ҳанафийя”. Миср: Матбаъату дорус-сабада, 1906.
16. Али Ўнгул. “Бурҳон оиласи”, Туркия Диёнат вақфи Ислом Энциклопедияси, Истанбул: TDV босма нашри, 1992.
17. Сайид Ализода. “Ислом йўли: Ширъатул-Ислом”, тарж. Сулаймон Куку, А. Фарук Мийан, Лутфуллоҳ Уйан, Анқара: Беракат нашриёти, 2016.
18. Ражаб Жижи. “Имомзода, Муҳаммад ибн Абу Бақр”, Туркия Диёнат вақфи Ислом Энциклопедияси, Истанбул: TDV Yayınları, 2000.
19. Муҳаммад Усфурий. ал-Маваизул-Усфурийя (Мушатмилун ала Арбаъуна минал-аҳадисун-Набавийя маъа Фавоидин-тарихийя ва рикаятин-сўфийя ва Мелаҳин-адабийя, Байрут: Дору илаҳийатит-турасил-арабий, 2016.
20. Абдулқодир ибн Муҳаммад Муҳйиддин ал-Ҳанафий ал-Қураший. Ал-Жавҳаратул-музийё фи табақотил-ҳанафийя. Ҳайдаробод: Дорул-маорифин-низамийя, 2015.
21. <http://ktp.isam.org.tr/?url=dokuman/findrecords.php>; Dirâyeti, Fihristkân.
22. <https://dromh.org/?view=5663133b>; <https://dromh.org/?view=c59e85c8>
<http://balis.bibalex.org/EN/OPAC/Home/RecordDetails?bibid=191584>
23. <http://www.maplandia.com/uzbekistan/bukhara/charyk/>
24. <http://www.maplandia.com/uzbekistan/bukhara/charyk/>
25. Мустафо Диряти. Фихристкан нусхаҳои хатти Иран, Техрон: тн. 2012.